

2018/1

TEATR

ADABIY-BADIIY, AXBOROT-REKLAMA JURNALI

АЛИШЕР НАВОИЙ

КОМИЛ ИНСОННИНГ УЧ НИШОНАСИ

ТЕАТРЛАРГА

ПРОФЕССИОНАЛ
РЕЖИССЁРЛАР
КЕРАКИ

ТАҚРИЗ

“ҚАЛБ СОҲИЛИ”ДАГИ
ЭВРИЛИШЛАР

СПЕКТАКЛНИ

ҚАНДАЙ ТОМОША
ҚИЛИШ КЕРАК?

ЯЙРА

АБДУЛЛАЕВА

ҲАЁТ – ТЕАТРЛАРНИНГ АКАДЕМИЯСИ

Отабек ЖҮРАБОЕВ,
 филология фанлари номзоди.

ҲАМ ЧАНГИДАН ОЗОД АЙЛАГУВЧИ СОЗ

ёхуд Бобур лирикасида
 мусиқа ва саҳнавий тасвир



Фавқуллодда феноменал шахс, улкан истеъдод эгаси Захириддин Муҳаммад Бобур кўпчиликлари таниш қатор асарларидан ташқари яна "Ҳарб рисоласи" ва "Мусиқа рисоласи" яратганлиги маълум. Афсус, бу рисолалар ҳануз топилмаган.

Аммо шу маълумотларнинг ўзиёқ Бобурнинг санъатни жуда яхши тушунган шахс бўлганини билдиради. Чунки Захириддин Муҳаммад Бобурнинг хаттоқи мусиқа басталаганига оид далиллар ҳам бисёр. Мисол учун, Бобур "Бобурнома"нинг ҳижрий 926 (милодий 1519-1520) йилга доир саҳифаларида бир муҳаммасга "Чоргоҳ" савти (куйи)ни боғлаганини ёзади. Яна айтадики, "Неча маҳал эди, мундоқ нималарга машғуллуқ қилмайдур эдим. Манга ҳам дағдаға бўлдимки, бир нима боғлафаймен..."



Бу ўзига хос самимий ва ҳаққоний иштибоҳлардан кўриниб турибдики, Бобур бирмунча вақт шеърга мусиқа басталаш билан шуғулланган. Лекин бошқа ишлар билан чалғиб, бу сеvimли машғулоти орада ташлаб қўйган. Манбаларда келтирилишича, Бобур ўз даврининг машҳур мусиқашуноси бўлган Мулло Ёрак томонидан ижод этилган нақши (мусиқий шакл)ни эшитгач, яна мусиқий ижод билан қизиқиб қолади. Афсуски, ўз асарида "маҳаллида мазкур бўлғуси" деса-да, бу ҳақда бошқа тўхталмаган. Лекин шу жиҳатнинг ўзиёқ унинг мусиқа ва санъат борасида алоҳида асар жамлашга киришганини тасдиқ этади.

Шоир девони таркибидаги бир неча шеърларда ҳам бу масала билан боғлиқ равишдаги ёндашувлари акс этган. Мисол учун, бир ғазалида ёзади:

*Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,
Бир навоё "Рост" қил мундоқ мақоминг борида.*

Мазкур байтнинг мазмунича, "мақом" сўзи икки маънода келтирилган. Биринчи мисрада ўшал гулюзлининг ишқида булбул нола қилиб, ўгишини кутавериш кўчасида мақом (манзил) қилиб олгани ҳақида гап кетса, иккинчи мисрада энди ўз ишқингни шундай навога солгинки, "Рост" мақомини эшитган сомеъ ундан хабар топсин, деган маъно бордир.

Бу ўринда ишқ изтироби, ёр кутиш интизорлиги мумтоз мақомлардан бўлмиш "Рост" куйида жуда ёрқин ва ҳаяжонли ифода этиб берилганига ҳам ишора қилинмоқда. Чунки булбул ёр кўйида мақом топгандек, ошиқ ҳам "Рост"да ўз мақомини топади.

Бобур Шарқ мусиқа чолғу асбобларининг ҳам моҳиятидан хабардор эканлигини унинг кўплаб шеърларидан билиб олиш мумкин. Бобур, айниқса, "чанг", "най", "рубоб", "даф" (доира) каби чолғуларни алоҳида санайди. Масалан,

*Соз айлаб бир нишотангез чанг, эй дилрабо,
Бенаво кўнглумни ҳам чангидин озод айлагил.
Яъни бу сатрлар орқали дилрабо – ёрдан*

"шодлик куйини чангда ижро қилиб, гамдан чангланиб кетган бенаво кўнгулларни озод қилиш" сўралмоқда. Бу ерда Бобур "чанг" сўзини икки маънода келтириб, чиройли сўз ўйини қилибгина қолмай, мазмунни янада чуқурлаштирмоқда. Хатто "чанг" сози шоду хуррамлик ва хурсандчилик куйларини ижро этишга жуда қулай ва мосланганлиги ҳам шоир назаридан четда қолмаган. Шоир яна бир рубойида мазкур фикрларини кенгроқ шаклда бериб, шундай дейди:

*Ноз уйқусидин бирор замон ойилғил!
Гулдек кулуб, эй гунчадахан, очилғил!
Кўнглумни иликладинг чалиб чанг, эй ёр,
Чангингдадурур кўнгул навозиш қилғил!
Куйидаги фардида эса у гулюзли дўст*

қўлидан гул рангидек шароб ичиб, яна ундан чанг ижросида гўзал наво эшитиш истагини баён этган:

*Кел, эй рафиқи гулрўй, кетур раҳиқи гулранг,
Ўзунг ичиб, манга куй, кўтар наво тузуб чанг.*

"Қачонки чанг билан найнинг жўровози жону кўнгулни шод этса, шундагина фароғату ишрат ўйи обод бўлади", деган маънода шундай дейди:

*Даврон ғамин барбод қил, ишрат уйин обод қил,
Жону кўнгулни шад қил овози чангу най била.*

Бобурнинг бир маснавийсида эса энди ёр-маҳбуба билан висол онларини айнан бир гўшада ўтказиш кераклиги, бунда албатта "даф", "чанг" ва "рубоб" ижросида ажиб куйлар ижро этилиши зарурлиги уқтирилган:

*Эй хуш улким, бори элдин ёшурун,
Биз иков бўлсаку бир гўшаю тун...*

*Дофу чангею рубобе бўлса,
Маю нуқлею кабобе бўлса.*

Мана шу мисолларнинг ўзиёқ Бобурнинг мусиқа санъати ва мусиқа чолғулари ҳақида яхши билимга эгаллиги билан бирга ҳаёти давомида ҳам кўп бора улар орқали олинандиган руҳий ва маънавий кучдан баҳраманд бўлганини билдиради. Айтиш мумкинки, Бобурдек шахс ҳам санъатдан айро яшамаган. Мудом замонасидаги бу соҳа етуқлари билан



бирга бўлиб, ўзи ҳам юксак даражада санъатини кўрсата олган.

Бобур лирикасининг энг жозибали ўринларидан бири унинг ёрга мурожаати, таърифи ва ҳолати тасвирини келтиришидир. Диққат этилса, уларнинг деярли барчаси бир ички мусиқий оҳанг билан – мисраларга ўзига хос оҳанг берувчи нафис маржон мунчоқлар каби тизилгандек тасаввур уйғотади. Бу эса ўз навбатида бир гўзал саҳнавий кўринишлар ташкил қиладики, беихтиёр шоир маҳоратига қойил қоламиз. Мисол учун, Бобурнинг юқорида таъкидланган санъат билан боғлиқ бир рубойисини олсак. Унда ҳам гўзал маъшуқа, ҳам маҳоратли навозанда ва хонанда (чолғучи ва кўшиқчи)нинг ажойиб тасвири берилган.

Ишванг била ғамзангни ву нозингниму дей?

Жаврунг била сўзунгу гудозингниму дей?

Сўзунг, қилиғинг, навозишингму айтай?

Овозу усулингни ву созингниму дей?

“Хам ишваю ғамзаю ноз қилувчи, шу билан бирга итобли сўз билан кўнгулга жабр етказувчи одамнинг сўзи, қилиғи ва нозини таърифлаш керакми? Ёки унинг гўзал овозу маҳоратли соз чалишию ва ниҳоят санъатдаги ўхшашсиз усулини тасвирлаш зарурми?”, демоқда шоир...

Демак, бу маъшуқа ноз қилишига яраша мохир санъаткор ҳам экан. Шоир унинг қиёфаси билан бирга феъли-ю санъатини ҳам тўрт мисрада тасвирлай олган.

Ёки, ёз фаслида кўнгил дўстлар суҳбатини кумсаганда бу висол онлари ишққа дардмандларнинг шеър баҳсию бода (ичимлик)нинг кайф бериши билан бўлишини ушбу байтда саҳнавий ҳолатда кўрсата олган:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,

Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Яна бир фардида эса ғамга ботиб турган кўнгил гулга монанд ёр келганда очилиб кетишини, мисоли баҳор келганида ғунча очилганига қиёс қилади:

Очилди кўнглум ўшал гулўзор келганидин,

Нечукки, ғунча очилғай баҳор келганидин.

Агар гулзорга кирилганда синган бутоқни кўрсангиз, уни шоирнинг носоғ танига, боғдаги ҳазон япроқларни эса унинг сариғ юзига ўхшатиб дейилган кўшмисрасига қаранг-а:

Тани зоримни де, гулшанда шахи нотавон кўрсанг,
Сариғ юзумни соғин, боғ аро барги хазон кўрсанг.

Бундайин тасвирлар гўёки улғувор ва рангин картина яратаётгандек тасаввур беради кишига. Энди бу каби гўзал манзаранинг янада теран, тафсилотли ва чуқурроқ тарзда келтирилганини қуйидаги рубойида ҳам кўришимиз мумкин:

Тутмағил, эй гул, равоким ишқинг ичра ҳар ғариб

Ёрга бош қўйғай хазон яфроғи янглиғ сарғариб.

Шаҳрдин безор бўлса не ажаб, безор киши,

Ишқ аро бемор бўлса тонг эмас бемор ғариб.

Бу шеърда ишқ ичра бемор бўлган ғарибнинг мукамал сурати чизилган. Шоир унинг ҳолатини даражама-даража тасвир этади. Бамисоли ошиқнинг забунликка тушаётган онларини бирин-кетин саҳнада ижро этаётган актёр қиёфасини бераётгандек. Унга кўра:

Биринчи – эй гул (ёр, маҳбуб), ишқинг гулини ҳар бир ошиғингга тутаверма, у ғарибинг бўла оладими, йўқми?

Иккинчи – чунки сенинг ишқингда ошиқ куз япроғидек сарғайиб, ерга бош қуйиши керак.

Учинчи – (қачонки) шаҳар (атроф)дан таскин ололмай зор бўлиб қолса, ўша сенинг безоринг бўлади-ю...

Тўртинчи – ишқ дардида бемор бўлади. Ажаб эмаски, ғарибингга айланган бемор бўлса.

Мана биргина ҳолатнинг лирик тасвири! Бобурнинг ўзи ҳам ана шу лирик кечинмалардан айро киши эмасди. У ўзининг бундай тасвирини бир байтга жо қилган:

Абрашини елдуруб етган йиқилдим, дўстлар,

Оҳким, умрум дарахтини йиқитти сарсаре.

Яъни абрашин (ипак мато) кийимлар кийиб ҳар қанча елиб югурсам ҳам, оҳким, сарсар (совуқ шамол – бу ўринда тақдир шамоли) умрим дарахтини барибир йиқитди.

Содда ва аниқ кўриниш эмасми?! Мана бир ҳолатнинг лирик тасвири.

Бобурнинг бутун ички кечинмалари ана шу тахлит тасвирларида – саҳнавий кўриниш ўлароқ акс этган, десак хато бўлмайди деб ўйлаймиз.

